

## Банк омонати шартномаси № \_\_\_\_\_

Фарғона шаҳар \_\_\_\_\_

Омонат дафтарча № \_\_\_\_\_

“Мадад инвест банк” АТБ номидан Ишончномага асосан ҳаракат қилувчи банкнинг Амалиёт бошқармаси бошлиғи \_\_\_\_\_ бир томондан ва Мижоз \_\_\_\_\_ Паспорт серияси \_\_\_\_ рақами \_\_\_\_\_ “ ” \_\_\_\_\_ 2 \_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ дан берилган иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг банк омонатига доир 43-боби (759-770-моддалари) қоидаларига асосан ушбу шартномани туздилар.

**1. Шартнома предмети.**

1.1. Мазкур шартнома бўйича Банк мижоздан қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олади ва ушбу шартномада назарда тутилган шартлар асосида ҳамда тартибда омонат дафтарчаси тақдим этилганида омонат суммасини қайтариш, унга фоизлар тўлаш ва мижознинг омонат ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқа шахсларга ўтказиш ҳақидаги топшириғини бажариш мажбуриятини олади.

1.2. Омонат тури: Муддатли.

1.3. Муддатли омонат номи: \_\_\_\_\_

1.4. Муддатли омонатни сақлаш муддати: \_\_\_\_\_ ой.

1.5. Муддатли омонат фоизи: Йиллик \_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) фоиз.

1.6. Муддатли омонат ҳисоб рақамга қўйиш ва омонатни қайтариш муддати:

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202\_\_ йилдан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202\_\_ йилгача.

1.7. Фоизларни тўлаш муддати: Омонатга жалб қилинган маблағлар бўйича фоизлар мижоз омонатига пул маблағлари келиб тушган кундан бошлаб омонат қайтариб берилган кунгача (бунда депозит қайтарилган кун ҳисобга олинмайди), йиллик 365 календар кунидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Муддатли омонатга ҳисобланган фоизларни хар ойда мижоз томонидан нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда олиши мумкин. Муддатли омонатга ҳисобланган фоизлар мижознинг ихтиёрига кўра ёзма шаклда ёзилган аризасига асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

1.8. Муддатли омонатни суммаси: \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_)

1.9. Муддатли омонат ҳисобварағи: \_\_\_\_\_

1.10. Валюта тури: Миллий валюта СЎМда.

1.11. Муддатли омонат тартибига асосан омонат нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда расмийлаштирилиши мумкин.

Муддатли омонатга нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда маблағ кирим қилинганда банк хизмати ундирилмайди.

Нақд пулда кирим қилинган муддатли омонатдан нақд пулда чиқим қилинганда банк хизмати ундирилмайди. Нақд пулсиз тартибда келиб тушган маблағни нақд пулда олинганида, нақд ёки нақд пулсиз шаклда кирим қилинган омонатни нақд пулсиз тартибда чиқим қилинганда, чиқим қилинган кундаги банк хизмати тарифига асосан ҳақ тўланади.

1.12. Ҳисобланган фоизлар асосий суммага қўшилмайди (капитализатсия қилинмайди).

1.13. Муддатли омонатга қўшимча бадал киритилмайди.

1.14. Омонат суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб мазкур шартномада белгиланган муддатгача ҳисобланади.

Муддатли омонатни мазкур шартнома бўйича сақлаш муддати тугагандан сўнг кейинги кундан омонат эгасининг талаб қилиб олингунча омонатига ўтказилади ҳамда шу кундан бошлаб талаб қилиб олингунча омонат ҳисоб вароқ ёпилган кунгача омонатдаги маблағ қолдиғига фоиз тўланмайди.

1.15. Мижоз омонатга қўйилган суммани банк омонати шартномасида кўрсатилган муддат тугагунча қадар қайтариб беришни талаб қилиши мумкин. Бунда Мижозга ўтган давр учун тўлаб берилган фоизлар омонатнинг асосий суммасидан ушлаб қолиниб, ҳақиқатда сақланган кунлар учун йиллик \_\_\_\_\_ фоиз ставкасида ҳисоб-китоб қилинади.

1.16. Муддатли омонат бўйича тузилган шартнома муддати давомида Молия бозоридаги ресурсларга бўлган талаб ва таклифлардан ҳамда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарганда ҳам омонатга белгиланган фоизлар ўзгаришсиз қолади.

## **2. Банкнинг мажбуриятлари.**

2.1. Мижозни омонат турига оид Низом/Тартиб талаблари билан таништиради, пул маблағини белгиланган тартибда қабул қилиб, унинг ҳисоб варағига киритади.

2.2. Банк, омонатнинг туридан қатъий назар, омонатчи талабига биноан ўрнатилган тартибда омонат суммасини тўлиқ ёки унинг бир қисмини бериши шарт. Омонат муддатидан аввал тўлиқ ёки қисман берилганда мазкур шартнома шартлари бузилган ҳисобланади ҳамда мазкур муддатли шартнома бекор қилинади.

2.3. Банк томонидан мижознинг банк омонати амалиётлари тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ ёки омонат эгасига унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт.

2.4. Мижоз банкдаги муддатли омонатини гаровга қўйганда ёки кафиллик берганда Банк томонидан кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун банк омонатидан маблағлар ҳисобварақ (омонат) эгасининг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилади, банк ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ (омонат) эгасига унинг ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт. Хабарномалар (маълумотномалар) мижозларга шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин.

2.5. Хабарномани (маълумотномани) олиш усули \_\_\_\_\_ телефон рақамига СМС орқали ёки телефон кунғироги орқали амалга оширилади.

2.6. Мижоз хабарнома (маълумотнома) етказиш усулини банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга.

2.7. Хабарномани (маълумотномани) мижозга етказиш усули ўзгарганлиги муносабати билан банк ҳисобварағи ёки омонати шартномасига ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди.

## **3. Банкнинг ҳуқуқлари.**

3.1. Банк омонат ҳисобварағидан бошқа банкка ўтказилган нақдсиз тўловлари ва жамғарма дафтарчаси берганлиги учун унинг ҳисобидан ўрнатилган тартибда ҳақ тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3.2. Банк омонат операциялари ҳамда Мижоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Мижознинг розилиғисиз ҳисобварақдаги операциялар ва Мижоз ҳақидаги маълумотлар учинчи шахсларга берилиши мумкин.

3.3 Адлия Вазирлигида 2017 йил 23 майда 2886-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат” Қоидалари талабларига асосан, банк мижознинг паспорт маълумотлари билан танишиши асосида, мижознинг идентификацион маълумотларини НСИ базасининг “Клиенти доп. реквизити” модулига киритади.

3.4. Банк томонидан гумонли ёки шубҳали операциялар аниқланган тақдирда, бундай операциялар ҳақида хабар беради.

3.5. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Банк вужудга келган асосларга кўра омонат ҳисобварағи бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки амалга оширишни рад этишга ҳақлидир.

“Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат” Қоидалари талабларига асосан маълумот беришга ва Мижознинг омонат ҳисоб рақамдаги банк амалиётларини вақтинча тўхтатиб туришга, маълум муддатга тўхтатиб туришга ҳақли.

3.6. “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат” Қоидалари талабларига асосан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мажбурий ижро органларининг тегишли қарорларига асосан муддатли омонат ҳисоб варағига банд солинганда банд солинган давр учун муддатли омонатга фоизлар ҳисобланмайди.

3.7. Суд, тергов ва прокуратура органлари ҳамда суд ижрочиларининг ундирувни қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қарорларини ижро этишда қарздорлик омонат ҳисобидан ундирилганда муддатли омонат бўйича фоизлар тўланмайди, олдин тўлаб берилган фоизлар эса асосий суммадан чегириб қолинади.

3.8. Омонатчи вафот этган тақдирда, Банк нотариал тасдиқланган гувоҳномага, васиятининг асл нусхасига асосан омонат васият қилинган шахсга омонат суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни беришга ҳақли.

3.9. Банк мижоз томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжати бўйича халқаро санкцияларга тушган тушмаганлигини, тушиш хавфини текширишга ҳақли.

Банк, маблағларни олувчи (ёки унинг банкининг ёки сотиб олаётган махсулотининг ва х.к.з) ларнинг халқаро санкцияларга тушганлиги, тушиш хавфи мавжуд бўлганда, банк амалиётини ўрганиш мақсадида кўшимча маълумотларни сўраш, амалиёт миқдорини чегаралаш, амалиётни чеклаш (рад этиш), тўлов ҳужжатини ижрога қабул қилмаслик ҳуқуқига эга ёки амалга оширилаётган амалиётлар мижознинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва мижоз билан мазкур шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

3.12. Мижоз томонидан ўтказилаётган банк амалиётларига доир кўшимча ҳужжатлар банк томонидан сўралган ёки талаб қилинганда ҳужжатлар мижоз томонидан тўлиқ тақдим қилинмаса, банк мижознинг топшириқларини бажармаслиги, банк амалиётини тўхтатиб қўйиши, банк ҳисоб варағини бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

#### **4. Мижознинг мажбуриятлари.**

4.1. Шартнома тузилган куни мазкур шартноманинг 1.8-бандида кўрсатилган суммани омонат ҳисобварағига топшириши ёки ўтказиши;

4.2. Мижознинг манзили, телефон рақами, фамилияси, исми ёки шарифи ўзгарган, шунингдек, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар алмашган тақдирда, мижоз юз берган

Ўзгаришлар тўғрисида 5-календар кун давомида Банкни ёзма равишда хабардор қилиши ҳамда зарур бўлганда янги ҳужжатнинг нусхасини тақдим қилиши;

4.3. Мижоз омонатга қўйилган суммани банк омонати шартномасида кўрсатилган ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида 1 (бир) ой олдин хабардор қилиши лозим.

4.4. “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат” Қоидалари талабларига мувофиқ банк ходими томонидан сўралган ҳужжатларни тақдим этади.

4.5. Гаровга ёки кафилликка қўйилган муддатли омонатидаги маблағларни талаб қилиб олингунча омонатига ўтказилиши ҳамда гаровга олган ёки кафилликни қабул қилган томоннинг тўлов талабномаси асосида унинг розилигисиз ёки розилиги асосида омонат ҳисоб рақамидан пул маблағларини ҳисобдан чиқарилишига банкка розилик хати беради.

4.6. Ўтказилаётган банк амалиётларига доир ҳужжатларни банкнинг биринчи талаби билан тўлиқ ҳамда сифатли ҳолатда банкка тақдим қилиниши учун жавобгардир.

## **5. Мижознинг ҳуқуқлари.**

5.1. Муддатли омонатга қўйилган маблағларни шахсан ўзи тасарруф қилиш ёки бундай ҳуқуқни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган ишончномани расмийлаштириш йўли билан учинчи шахсларга тақдим қилиш;

5.2. Омонат дафтарчаси йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бўлса, янги омонат дафтарчасини беришни сўраб банкка мурожаат қилиш;

5.3. Муддатли омонат маблағининг қолдиғи, кирим-чиқим операциялари тўғрисидаги ахборотни банкдан, “СМС-банкнинг” дастури ёки Интернет тармоғида очилган банкнинг веб-сайтидаги шахсий кабинети орқали олиши мумкин.

5.4. "БАНКМОБИЛЕ" ва интернетдаги шахсий кабинетга уланган ҳолда ҳисобланган фоизларни кўриш ҳамда пластик карта ҳисоб рақамига ўтказиш;

5.5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 762-моддасига мувофиқ омонатни муддатидан аввал қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

5.6. Мижоз омонат муддати туганидан сўнг омонатни ёпиши ва омонатга ҳисобланган фоизларни олиши ёки мавжуд омонат турларидан бирига қайта расмийлаштириши мумкин.

5.7. Мижоз муддатли омонатидаги маблағни гаровга ёки кафилликка қўйишга ҳақли.

## **6. Махсус шартлар.**

6.1. Омонатнинг топширилганлиги ва пул маблағининг банкда белгиланган тартибда банк кассасига қабул қилинганлигини тасдиқловчи тўлов қвитанцияси, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ушбу банк омонати шартномаси ҳамда омонат дафтарчаси бир йўла мавжуд бўлганлиги билан тасдиқланади.

6.2. Банк омонати шартномаси шартларига омонатчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ўзгартиришларни банк томонидан бир томонлама киритилмайди.

## **7. Форс мажор ҳолатлар.**

7.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин,

тарафлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулотда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари (уруш, zilзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар) ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган тараф бошқа тарафни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиши шарт, шу билан бирга исталган тарафнинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

## **8. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

8.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, шартнома шартларини бузган тараф Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

## **9. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

9.1. Шартномага ўзгартириш киритилиши, ижроси ва бекор бўлиши билан боғлиқ бўлган низолар, ўзаро музокаралар йўли билан, келишувга эришилмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси судлари орқали ҳал этилади.

9.2. Ушбу шартнома тенг юридик кучда 2 нусъада тузилиб, бири Банк бўлимида қолиб, иккинчиси Мижозга берилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

Ушбу омонат турига оид меъёрий ҳужжатлар билан танишдим:

## **10. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари:**

<b>БАНК</b>	<b>Мижоз</b>
“Мадад Инвестбанк” Амалиёт бўлими	_____
Манзили: Ўзбекистон Республикаси,	_____
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар,	Манзили _____
Мустақиллик кўчаси 312 уй	_____
х/р 29801000900001142001	Паспорт серияси ва рақами _____
СТИР 207246047	_____
Тел/факс: 73-241-70-31	Берилган сана _____
	Қаердан берилган _____
	Телефон рақами _____
Амалиёт бўлими бошлиғи:	Мижоз _____
_____	Имзоси _____
Бош ҳисобчи:	
_____	
Ҳуқуқшунос	
_____	